МАШИНАЛАР КАТТА ЙЎЛДА

ПАРТИЯ ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИБ, КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИНТЕНСИВЛАШ НЕГИЗИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА КАТТА ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ, ҚИШЛОҚДА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЎТКАЗУВЧИ МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ АЖОЙИБ КАДРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРДИ. ҲАММА ЖОЙДА, ҲАР БИР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗДА ТРАКТОР ВА ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИНИНГ ЎРУЛИДА ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎТИРГАНЛИГИДАН ҚУВОНМОҚДАМИЗ.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 197 (12.851).
25 АВГУСТ 1964 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

МУНОСИБ ТУҲФА

Машинасозлар пахтакорларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида ўзлари ишлаб чиқараётган машиналарни тобора такомиллаштириб бормоқдалар. «Ташсельмаш» машинасозлари бу йилдан «ХВС-1,2» ўрнига осма «ХТ-1,2» пахта териш машиналари тайёрлай бошладилар. «Ташавтомаш» заводидан пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун пахтакорларга илгариги «ПТС-3-766 М» прицепидан бир тонна кўп юк кўтарадиган «2 ПТС-4-793» маркали прицеплар жўнатилмоқда. Бошқа машинасозлик заводларида ҳам янги унумли машиналар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Машинасозлар бу йил пахтакорлар учун 15 МИНГ ТРАКТОР, 7 МИНГ 400 ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ, 3 МИНГ КЎРАК ТЕРИШ МАШИНАСИ, 26 МИНГ ПАХТАНИ ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПРИЦЕПЛАР етказиб беришни мўлжалламоқдалар. Улар планга қўшимча равишда 25 пахта териш машинаси, 50 та трактор, 500 та прицеп, 40 га кўсак чувиш машинасини пахтакорларга туҳфа қиладилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ Москвага қайтиб келди

Ўртоқ Н. С. Хрушчев 24 августда Қримдан Москвага қайтиб келди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Ю. Цеденбал билан учрашди

ЯЛТА, 23 август, (ТАСС). Қримда турган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бу ерда Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Юмжагийн Цеденбал билан учрашди.

Н. С. Хрушчев билан Ю. Цеденбал ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчевга

МОСКВА

Ўртоқ Тольяттини ажал чангалидан олиб қолмоқ учун совет олимлари ва врачлари томонидан қилинган ҳамма гамхўрлик ва ҳаракатлар учун Италия Компартияси Марказий Комитети номидан Сизга яна ташаккур айтаман. Унутилмас ўртоғимиз Тольяттига бугун Симферополда халқ, партия, Совет ҳукумати ва шахсан Сиз кўрсатган муҳаббат ва иззат-ҳурматни асло унутмаймиз.

Иотти-Тольяттн, Луиджи Лонго.

1964 йил, 22 август.

ТАСС АХБОРОТИ

1964 йил 22 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдошлари «Космос-41», «Космос-42» ва «Космос-43» учирилди.

«Космос-42» ва «Космос-43» йўлдошлари бир учирувчи ракета билан учирилди.

1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, бу йўлдошларда космик фазони тадқиқ қилишни давом эттирмоқ учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган эди.

Олинган ўлчов маълумотларини анализ қилиш йўлдошларда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаётганлигини кўрсатиб турибди.

Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

МАШИНА ТЕРИМИНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТКАЗАЙЛИК

Ш. РАШИДОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари.

□ □

Партиямизнинг ташкилотчиси ва доҳийси Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган эди. Совет давлатининг асосчиси мамлакат далаларида 100 минг трактор ишлайдиган, деҳқонларнинг меҳнати тубдан ўзгариб кетадиган кунларни орзу қилган эди.

Партиямиз ленинча йўллан бориб, доҳийнинг васиятларини муваффақиятли амалга оширди. Аъло даражали машиналар далаларга чиқиб, деҳқонларимизнинг ишини енгиллаштириб ва меҳнат унумдорлигини беқиёс оширибгина қолмасдан. балки халқнинг фикр ва туйғуларида ҳам чинакам революция ясади. Юксак техника тараққиёти ва маданияти учун, мўл-кўлчилик яратиш учун, коммунизм учун курашда машина совет кишисининг ишончли дўсти бўлиб қолди.

Мамлакатимизда пахтачиликнинг ривожланиш тажрибаси техниканинг буюк ўзгартирувчан кучидан далолат бериб турибди. Пахта етиштиришни кўпайтиришда эришилган ажойиб муваффақиятлар даставвал пахтачиликка комплекс механизацияни кенг жорий этаётганлигимиз, ҳозирги агротехника фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасидан фойдаланаётганлигимиз туфайли қўлга киритилганлиги ҳаммага маълум.

Ҳозир пахтачиликдаги бир қатор энг муҳим ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилди. Натижада пахтакорларимиз алмисоқдан қолган кетмондан, оғир қўл меҳнатидан қутилдилар. Меҳнатни ташкил этишнинг янги формалари, — чинакам коммунистик меҳнат мактаблари — комплекс механизациялашган бригада ва звеноларнинг вужудга келди. Пахтачиликда техника тараққиётининг чинакам машъаллари — Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев, Мамажон Дадажонов, Искандар Юсупов ва уларнинг минглаб издошлари ажойиб қалбли ва юксак маданиятли кишилардир. Булар бизнинг техника интеллигенциямиз ҳисобланиб, барча янгилик ва илғор усулларнинг қишлоқда кенг ёйилишига йўл очиб бермоқдалар.

Уларнинг сафи янада кенгайиши керак. Чунки комплекс механизация қишлоқ хўжалигимиз тараққиётининг бош йўлидир. Партиямиз XXII съезди қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан пахта етиштиришни янада кўпайтириш йўлларини белгилаганда, қишлоқ хўжалигини янада кенг механизациялаш ва электрлаштиришни кучайтириш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. «Комплекс механизация асосида, — дейилади съезд қарорида, — меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини камайтиришни таъминлаш зарур».

Пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаш вазифаларини амалга оширишда КПСС Марказий Комитети бебаҳо катта ёрдам бермоқда. Партиямизнинг ленинча Марказий Комитети пахтакорларимизнинг эҳтиёжларига қандай ғамхўрлик билан муносабатда бўлаётганини, пахтадан катта хирмон кўтариш учун олиб бораётган курашимизда раҳнамолик кўрсатиб турганини ҳар бир меҳнаткаш яхши билади.

Ҳозирги вақтда пахта йиғим-теримини механизациялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки у пахтачиликдаги энг муҳим, энг мураккаб ва энг актуал проблемадир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев, пахта териш машиналаридан кенг фойдаланмасдан туриб, пахтачиликда меҳнат унумдорлигини кўтариш мумкин эмаслигини, пахтани қўлда теришдан машинада теришга узил-кесил ўтиш лозимлигини, «зангори кема» йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни улоқтириб ташлашни, бу ишга партия ва комсомол ташкилотларини сафарбар этишни бирнеча марта таъкидлаб кўрсатди.

Аслини олганда, пахтани машинада териш нима демакдир? Машина терими — мўл ва аъло нав пахта демакдир, машина терими — юксак меҳнат унумдорлиги ва деҳқоннинг меҳнатини енгиллаштириш демакдир, машина терими—харажатларни камайтириб, махсулот таннархини арзонлаштириш, колхоз ва совхозларнинг даромадини ошириш, кузги-қишки дала ишларига ўз вақтида тайёргарлик кўриш демакдир. Машина терими — коммунистик жамиятга хос юксак маданиятли деҳқончилик демакдир ва ниҳоят машина терими — пахтачиликни интенсивлашнинг туб негизидир.

Пахтачиликни интенсивлашнинг биз учун қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида муфассал гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Маълумки, Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базасидир. Пахта етиштиришни мутасил кўпайтириб бориш бизнинг энг биринчи интернационал бурчимиздир, қардош халқлар олдидаги муқаддас вазифамиздир.

Она-Ватан биздан кўп «оқ олтин» кутмоқда. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун Ўзбекистон ҳар қачонгидан кўп пахта етказиб бериши керак.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорлари билан қуролланган республика меҳнаткашлари ўзларининг мамлакатни пахта билан таъминлаш соҳасидаги бурчларини тўла ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлидан дадил бормоқдалар. Пахтакорларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва химиялаштириш натижасида бу йил катта ютуқлар қўлга киритилди. Баҳорнинг поқулай келиши ва об-ҳаво қийинчиликларига қарамай далаларимизда олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариб, Ватанга 3 миллион 600 минг тонна пахта етказиб беришни тўла таминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир олдимизда ана шу ҳосилни қисқа муддатда ва сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш вазифаси турибди.

Бу вазифани бажаришда пахтани машиналарда териш муҳим аҳамиятга эга. Шунга эришиш керакки, ҳамма ерда пахта териш машиналаридан кенг ва унумли фойдаланилсин, **ҳар бир хўжалик машинада пахта териш планини бажарсин.** Машинада пахта териш планини бажарсак — пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашда катта галабага эришган бўламиз.

Республикамизда пахта териш техникасидан фойдаланиш соҳасида бой тажриба тўпланган. Фақат кейинги уч йил ичидагина машиналарда терилган пахта миқдори 30 баравар ўсганлиги бунга далил бўла олади. Эндиликда айрим звеноларнинг ёки бригадаларнинг, бўлим ёки хўжаликларнинг, ишлаб чиқариш бошқармаларигина эмас, балки бутун-бутун областлар машина терими муваффақиятли ўтказиш намуналарини кўрсатишлари мумкин.

Ёш Сирдарё области пахта териш машиналаридан кенг фойдаланишда ўрнак кўрсатмоқда. Муваффақиятлар калити — терим техникаси эканлигини яхши тушунган бу область меҳнаткашлари пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаш йўлидан дадил бормоқдалар. Ўтган йили областда ялпи ҳосилнинг 36 процента ёки 145 минг тонна «оқ олтин» машиналар билан терилди. Сирдарё пахтакорлари — комплекс механизациялаш машъалларидир. Улар яқин йиллар ичида ҳамма ҳосилни машиналар билан териб олишга ўтиш тараддудини кўрмоқдалар. Сирдарёликлар шу йилнинг ўзидаёқ **ҳосилнинг ярмидан кўпроғини** машиналар билан териб олишга аҳд қилдилар.

Республикамиздаги 250 дан ортиқ колхоз ва совхоз ўтган йили машина терими планини муваффақиятли адо этди. Уларнинг тажрибаси, Н. С. Хрушчев машина инсоннинг дўстидир, уни инсон ўз қўли билан яратган, у кишиларнинг меҳнатини енгиллаштириши керак, киши машина билан қиладиган ишини қўлда бажара олмайди, деганида тамомила ҳақли эканлигини исботлаб турибди.

«Малик» совхозининг ютуқлари ҳаммага аён. Бу совхознинг мамлакатга донги кетган бригадири Жавод Кўчиев ўтган йили бригадасидаги 16 киши билан 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Бу чинакам қаҳрамонликдир. Жавод Кўчиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадада ҳосилнинг 90 процента машиналарда териб олинди. Жавод Кўчиевнинг ўзи эса «зангори кема» билан 320 тонна пахта терди.

«Совой» совхози коллективи ҳам терим машиналаридан унумли фойдаланишда ажойиб намуна кўрсатди. Бу совхоз четдан теримчилар жалб этмасдан, ўқувчиларнинг ёрдамисиз давлатга пахта топшириш планини 20 иш кунида бажарди. Айрим бўлим ва бригадалар эса пахта тайёрлаш йиллик планларини 10-12 кунда адо этди. Агар техникадан моҳирлик билан фойдаланилса у ана шундай мўъжизалар яратишга қодир. Бу ерда эса техниканинг қадрига етишади.

(Охири иккинчи бетда).

КИШИНЕВ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КЎП МИНГ КИШИЛИК МИТИНГИ

КИШИНЕВ, 23 август. (ТАСС мухбири). Молдавия гитлерчи босқинчилардан озод қилинганининг 20 йиллигига бағишланган байрам Кишинев кўчалари ва майдонларида зўр шодлик ва хурсандлик билан ўтказилди.

Молдавия ССР ва унинг пойтахти немис-фашист босқинчилардан озод қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган шаҳар меҳнаткашларининг митингини шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. С. Константинов очди.

Ўртоқ И. И. Бодюл нутқ сўзлаб, халоскор Совет Армиясининг кўрсатган жасоратини, улуғ рус халқининг ва Совет мамлакатидаги бошқа халқларнинг Молдавия халқига озодлик ва бахт-саодат келтирган ёрдамини молдаван халқи асло унутмайди ,деди.

Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенко ССР Иттифоқи Мудофаа министрлиги, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгизи Флотининг бош сиёсий бошқармаси номидан, совет ҳарбий ветеранлари номидан Молдавия меҳнаткашларини катта байрам билан самимий қутлади ва Ватан бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатида уларга янги муваффақиятлар тилади.

Митингда Совет Иттифоқи Қаҳрамони запасдаги полковник И. А. Бельский, собиқ партизан, Кишинев политехника институтининг ўқитувчиси Г. И. Панченко ва бошқалар ҳам сўзладилар.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ РУМИНИЯДА БЎЛИШИ

БУХАРЕСТ, 23 август. ТАСС махсус мухбирлари Г. ВЛАСОВ ва Ф. ЖАРИКОВ хабар берадилар:

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси кеча кунниг иккинчи ярмида «Букурешть» тайёр кийим фабрикасини бориб кўрди.

Кеча совет партия-ҳукумат делегацияси «Ватан озод қилинганлигининг 20 йиллиги» виставкасини ҳам бориб кўрди. Виставкада биринчи жаҳон урушидан кейин Румнинда революцион ҳаракатнинг ривожланиши кўрсатилади. Бу ерда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Георге Апостол, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Александру Дрэгич, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Киву Стойка, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат Леонте Рэуту, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари совет меҳмонларини кутиб олишди.

Партия-ҳукумат делегацияси Руминия Ишчи партиясининг Марказий Комитетига, Руминия Халқ Республикасининг Давлат кенгашига, Руминия Халқ Республикасининг Министрлар Советига Руминия озод қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан тақдим этган ҳайкалтарош Н. Томский яратган В. И. Ленин бюсти виставкага қўйилган эди. Руминия Ишчи партиясининг тарихи музейининг директори Попеску-Пуцурь бу совга учун Руминия Ишчи партиясининг Марказий Комитети, Руминия Халқ Республикасининг Давлат кенгаши ва Министрлар Совети номидан совет делегациясининг аъзоларига ташаккур айтди. Совет меҳмонлари Руминия раҳбарлари билан биргаликда виставка билан танишдилар. Виставка кўрилиб бўлганидан кейин, совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. И. Микоян тандирлаш дафтарига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Руминия Ишчи партияси музейининг экспонатлари билан танишиб чиқиш натижасида олинган жуда катта таассуротни дарҳол ва қисқа баён қилиб бериш қийин.

Бу ерда жанговар йўлни ва йол кўрсан, киши, бу йўл — румин коммунистлари курашининг шонли революцион йўли бу ерда ҳужжатлар билан аниқ ва яқол кўрсатиб берилган.

Ҳозир замон, шароит бошқача бўлиб қолди, ленин бу революцион садоқат руҳи, коммунизмнинг улуғ идеялари йўлидаги фидоийлик руҳи ҳозир ҳам сақланиб қолиши лозим. Руминия ишчилар синфининг мана шу революцион традициялари коммунизм қуриш ишида бугун ва эрта ҳаммани руҳлантириб туриши лозим.

Коммунизм ғалабаси йўлида румин ва совет кишиларининг ҳаракат бирлигидан далолат берувчи ҳужжатларни кўриб, мен совет коммунисти сифатида хурсанд бўлдим.

Бизнинг бу жипслигимиз абадий бўлиб қолсин!

А. МИКОЯН».

Тандирлаш дафтарига совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳам имзо чекдилар.

МАШИНА ТЕРИМИНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТКАЗАЙЛИК

(Боши биринчи бетда)

Совхоз далаларида 150 дан ортиқ пахта териш машиналари ишлаб, улар билан ялпи ҳосилнинг 70 проценти ғўзани 13.394 тонна «оқ олтин» теримда. Шу миқдордаги пахтани қўл билан териш учун 240 минг киши-куни керак бўларди. Бу ерда бир центнер пахтани машинада териш учун 4 сўм 25 тийин, қўлда териш учун эса 7 сўм 42 тийин сарфланди. Совхоз машиналарда пахта териш эвазига 210 минг сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолди. Бу — пахта таннархининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатди. Агар 1954 йилда бир центнер ҳосил етиштириш учун 27 сўм сарфланган бўлса, 1963 йилда 17 сўм 05 тийин сарфланди.

«Совой» совхозида ҳосилдорлик йил сайин ошиб фойда кўпаймоқда, маданий-маиший қурилиш фонди яратилмоқда. Ўтган йил совхоз 2.060 минг сўм соф фойда олди. Бу хўжалик коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда.

Техниканинг қадрига етилаётган хўжаликларда пахтачиликнинг истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилиниб, йилдан йилга тобора кўп пахта машиналарда теріляпти.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози республикага машҳурдир. Бу хўжалик — техника тараққиётининг чинакам университети, машиналардан унумли фойдаланиш мактабидир. Ўтган йили бу ерда ҳосилнинг 70 проценти машиналарда терилди. Пахта тайёрлаш йиллик плани 28 кунда бажарилди. Бу йил совхоз коллективи пахта териш машиналаридан янада кенгроқ фойдаланишни мўлжалламоқда. Агар ўтган йили совхоз далаларида 100 та пахта териш машинаси ишлаган бўлса, бу йил пахтазорларда 120 та «зангори кема» сузади. Ҳосилнинг 80 проценти машиналарда териб олинади.

Волков номли, «Победа», «Красная звезда», «Пахтаорол», «Ҳазорбоғ» совхозлари, Янгиердаги «Коммунизм», Сирдарёдаги «Ленинград», Оққўрғондаги «Ленинизм» колхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар ҳам техника тараққиётининг чинакам машъаллари бўлиб қолдилар. Киров (Сирдарё области), Қўрғонтепа, Оққўрғон, Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармаларида пахта теримини механизациялаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу бошқармаларда машина терими масаласига партиявий, давлат нуқтаи назаридан қаралмоқда.

Йиғим-терим пайтида бу хўжаликларда бўлган кишининг кўнгли хушнуд бўлади. Кишилар алоҳида бир илҳом, меҳр билан ишлайдилар. Терим машиналарининг овози кечаю кундуз тинмайди. Бункердаги пахта тўғридан-тўғри прицепларга ағдарилиб, «оқ олтин» карвони узлуксиз тайёрлов пунктларига бориб туради. Бу хўжаликларда иш намунали корхоналардагидек ташкил этилган. Бу — пахтакорларимизнинг иши ҳам индустриал меҳнатнинг бир турига айланаётганидан далолатдир.

Пахта териш машиналари деҳқонларимизга жуда қўл келиб, катта фойда бераётганига қарамай айрим хўжаликларда ундан ҳамон ёмон фойдаланилмоқда. Ўтган йили терим пайтида жуда кўп машиналар бекор туриб қолди. Айниқса, Бухоро, Фарғона областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги кўпгина хўжаликларда терим агрегатларидан қониқарсиз фойдаланилди. Қорақалпоғистонда ҳосилнинг 12,7 проценти, Фарғонада 9,8 проценти, Бухорода эса фақат 6,6 проценти машиналарда терилди, холос.

Орамизда машина терими планини ҳар йили 5-9 процент бажараётган ходимлар ҳамон учрайди. Калинин, Охунбобоев, Андижон, Янгиқўрғон, Ғиждувон, Яккабоғ, Термиз, Тўрткўл, Иштихон ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарларини ана шундай ходимлар қаторига қўшса бўлади. Улар техника тараққиёти учун бошланган курашга раҳбарлик қилолмадилар, терим машиналаридан унумли фойдаланиш чораларини кўриш ўрнига, бутун «ташкилотчилик» ишини ўқувчиларни теримга жалб этишдан иборат қилиб қўйдилар.

Айрим хўжаликларда машина терими шу қадар ёмон ташкил этилдики, оқибатда машиналар билан қўлда терилгандан ҳам оз пахта терилди. Ю. Муҳамедов директор бўлган «Когон» совхозида ана шундай кўнгилсиз фактлар содир бўлди. Совхозда 42 та пахта териш машинаси бор эди. Бу техника билан ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқса бўларди. Лекин совхозда ҳосилнинг бор-йўғи 8,6 процентигина машиналарда терилди. Ҳар бир машина билан мавсумда ўрта ҳисобда 17 тоннадан пахта терилди. Хўжасизлик, машинага тўғоноқ бўлиш, давлат манфаатларини менсимасдик бундан ортиқ бўлмаса керак.

Фарғонадаги ўртоқ Умаралиев ранс бўлган «Коммуна» колхозида ҳам «Когон» совхозидагидек хунук аҳвол юз берди. Бу ерда ҳосилнинг атиги 1,8 процентигина машиналарда терилган. Бир агрегат билан мавсумда атиги 11 тонна пахта йиғиштириб олинди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа айрим хўжаликларнинг раҳбарлари машина теримидан воз кечиш учун турли хил баҳоналарни топадилар, найранглар ишлатадилар. Айрим ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетларининг раҳбарлари антимеханизаторларга қаттиқ зарба бериш ўрнига, улар билан муросасозлик қилмоқдалар. Бу «раҳбар» ўртоқлар харажатларнинг кўпайиб кетишини ҳисобга олмай, пахта теримига ёрдамчиларни кўплаб жалб этаверадилар.

Оғир қўл меҳнатидан ҳамон кўнгил узолмаётган айрим кадрларимиз комплекс механизация ва шу жумладан пахтани машинада териш — эртанги кунимиз, пахтачилигимизнинг истиқболи эканлигини тушунмайдилар ёки қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги бизнинг бош йўлимизни четлаб ўтмоқчи бўладилар. Машина теримига тўсиқ бўлган киши эса бизнинг пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашимизга халақит бераётган киши ҳисобланади.

1964 йил республикамизнинг юбилей йилидир. Бу йил — республикамиздаги ҳамма колхоз ва совхозларда машиналардан оммавий равишда фойдаланиш учун курашда янги босқич бўлиши керак. Бунинг учун бизда энг қулай шарт-шароитлар бор. Ҳосил мўл етиштирилди. Республика далаларида бу йил 18 минг пахта териш машинаси ишлайди. Етарли миқдорда сифатли дефолиант, дисикантларимиз бор, самолётларимиз ҳам керагича топилади. Шаҳарлардаги ва район марказларидаги ташаббускор шоферлар, механиклар ҳам далага чиқиб қишлоқ механизаторларига ёрдам беришга тайёр турибдилар. Улар жуда қисқа муддатда пахта териш машиналарини бошқаришни ўрганиб олишлари мумкин. Шоферларнинг, механикларнинг ана шу ташаббусини қўллаб-қувватлаш, улар учун курслар очиш, ўқитиш керак.

Тошкент олий партия мактаби тингловчилари бу соҳада яхши намуна кўрсатдилар. Улар пахта териш машиналарини бошқаришни ўргандилар ва керакли пайтда механик-ҳайдовчи сифатида далага чиқаверадилар.

Шу билан бир қаторда айрим кишилар ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари, ҳозирги кунинг муҳим вазифасига оқилона ёндошмаётганликларига тааллуқли ташвишли сигналлар бор. Бу ўринда гап даставвал пахта териш техникаси ремонти ҳаддан ташқари чўзилиб кетганлиги ҳақида бораётир. Масалан, Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда пахта териш машиналарини тайёрлаш плани атиги 50 процент бажарилган. Шунингдек, кўрак териш, кўрак чувиш машиналари, трактор прицеплари ва погрузчикларнинг ремонти ҳам жуда суст боряпти.

Пахта териш техникасини сақлашга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётганлиги, машиналарнинг қисмлари талон-торож қилинаётганлигига тааллуқли кўпгина фактлар мавжуд. Мисол учун, Қорақалпоғистон АССРда 37 та машина, шу жумладан «Шуманай» совхозида (директори Ўртоқ Туремуродов) 6 та машина, «Мангит» совхозида (директори Ўртоқ Матчонов) 4 та машина муддатидан анча илгари ишдан чиқди, деб рўйхатдан ўчириб юборилган.

Саноатимизга ҳам жиддий эътирозларимиз бор. Колхоз ва совхозларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш йўл қўйиб бўлмаслик даражада кечиктириб юбориляпти. «Ташселбмаш», Трактор-йиғув, «Автотрактородеталь» ва бошқа бир қатор заводлар механизаторлардан анча қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Энг қисқа муддат ичида, яқин кунлар мобайнида барча ремонт ишларини тугаллаш зарур. Ҳар доим колхозчи деҳқонларга чин юракдан биродарларча ёрдамлашиб келаётган ишчилар синфи ҳозирги вақтда ҳам бутун куч-ғайратини қишлоқнинг заказларини муддатидан илгари бажариш учун курашга сарфлаши лозим. Бу — шон-шараф иши, корхоналар коллективларининг виждон ишидир.

Шаҳар меҳнаткашларининг қишлоққа оталиқ ёрдами бериш ҳақидаги ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш керак. Машина теримига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Сирдарё областига оталиқ ёрдами беришга қарор қилган Тошкент корхоналарининг ташаббуси, Тошкент областидаги бошқа шаҳарлар корхоналарининг колхоз ва совхозларга ёрдам бериш ҳақидаги ана шундай ташаббуслари — меҳнаткашлар қардошлик ҳамкорлигининг, улар ягона мақсадга эришишда — коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ вужудга келтиришда бир-бирларига доимо ёрдам беришга интилишларининг ёрқин намунасидир. Бу ташаббус ҳамма томонидан сўзсиз маъқулланади ва ҳамма жойда қўллаб-қувватланади.

Пахта тайёрлов пунктларини ўз вақтида тайёрлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш лозим. Ўтган йили айрим тайёрлов пунктлари кўп миқдорда келтирилган пахтани қабул қилишнинг уддасидан чиқмадилар. Бу ҳол энди такрорланмаслиги лозим. Қабул қилиш — узатиш механизмларидан тортиб Биков системасидаги сушилкаларни етарли миқдорда қуришгача бўлган ҳамма ишни назарда тутиш, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш керак, токи колхоз ва совхозлардан келтирилган пахта тўхтовсиз қабул қилиб олинсин.

Дефолиация пахтани машина билан теришга тайёргарлик кўришда алоҳида ўринни эгаллайди. Кимки, дефолиацияни белгиланган муддатда ўтказса, вақтдан ютади, муваффақиятга эришади. Бордию, кечикишга йўл қўйса, бутун ишни барбод беради. Масала худди ана шу тарзда турибди.

Бироқ айрим жойларда ғўза ривожланишдан орқада қолганлиги сабабли дефолиацияни ўтказиш учун шошилишнинг ҳожати йўқ, ҳали вақт бор, деган миш-мишлар эшитилмоқда. Бу хилдаги гаплар ишимизга зиён келтиради, антимеханизаторларнинг, қолоқ ва такасалтанг кишиларнинг тегирмонига сув қуяди. Миш-миш тарқатувчи ана шундай калтабин кишилар «Политотдел» колхозига, ўртоқ Хваннинг олдига юборилса, улар қандай ишлаш лозимлигини кўрар эдилар. «Политотдел» колхозида дефолиация кечиктирилмайди, бу барча майдонда ўтказилади ва сўзсиз равишда муваффақиятга эришилади, мўл ҳосил олинади. «Совой», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари ва бошқа илғор хўжаликлар ҳақида ҳам худди ана шундай фикрни айтиш мумкин.

Дефолиация — фақат машина теримини муваффақиятли ўтказишнинг энг зарур шартигина бўлиб қолмасдан, балки айни вақтда ҳосилдорликни оширишнинг муҳим воситаси ҳамдир. Дефолиация вақтида ўтказилса, пахтанинг етилиши тезлашади, биринчи, энг қимматли пахта сортларининг миқдори кескин равишда кўпаяди, бундан давлат ва хўжалик катта фойда кўради.

Маълумки, пахта ҳамма жойда бир кунда очилмайди. Ҳар бир хўжаликда пахтаси эрта очиладиган бир қатор участкалар бор. Ана шу участкаларда сентябрь ойининг дастлабки кунларида табақалаштириб дефолиация ўтказиш, машиналар қайтадиган полосалардаги ғўзанинг баргини тўктириш ва бу билан пахта териш машиналари учун ҳеч қандай кечикишга йўл қўймасдан кенг иш фронти яратиб бериш зарур. Айни вақтда қишлоқ хўжалик авиациясининг ишини ташкил этиш, ҳар бир самолётдан энг рационал фойдаланишни таъминлаш мақсадида бу соҳада қаттиқ назорат ўрнатиш керак.

Айрим участкаларда пахта теримини эрта бошлаш механик-ҳайдовчиларга зарур машқдан ўтиш ва йиғим-терим оммавий равишда бошланган вақтда йил давомида ёдан кўтарилган кўникмани тиклаш имконини беради.

Барча агрегатларни кадрлар билан комплектлаш ишига пухта ўйлаб ёндошиш, ҳар бир машинанинг икки сменада тўхтовсиз ишлашини таъминлаш лозим. Пахта териш машиналарининг экипажларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ўз вақтида тугаллаш керак.

Бироқ, бу соҳадаги ишимизда ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Айрим областларда механизатор кадрлар тайёрлаш мутлақо қониқарсиз борянти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, шунингдек айрим область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари бу соҳада ўтакетган даражада сансалорликка йўл қўймоқдалар. Улар аҳволни тезда тузатиш юзасидан барча зарур чораларни кўришлари зарур.

Механизатор кадрлар тайёрлаш, уларга машина терими усталарининг тажрибасини ўргатиш — пахта териш техникасидан самарали фойдаланиш учун курашнинг ҳал қилувчи звеноларидан бири ҳисобланади. Бу ишни партия ва комсомол ташкилотлари ўз қўлларига олишлари, унинг бориши устидан доимий контроллик қилиб туришлари зарур. Механик-ҳайдовчиларга меҳнатнинг илғор усулларини ўргатиш бутун йиғим-терим кампанияси давомида узлуксиз давом эттирилиши керак.

Меҳнатни тўғри ташкил қилиш, механик-ҳайдовчиларнинг икки сменада юқори унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг нормал дам олишлари ва овқатланишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Механизаторларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масаласи ҳам ана шу вазифалар билан бир қаторда туриб, унинг тўғри ҳал қилиниши меҳнат унумдорлигини оширишга имкон бермоғи лозим.

Бу масалаларнинг ҳаммаси ҳар бир хўжаликда унинг шароитлари ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади, бироқ ҳар сафар чуқур ўйлаб, ишга энг кўп фойда келтирадиган тарзда ҳал этилиши зарур. Колхозларнинг партия ташкилотлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари бу масалаларнинг ҳал қилинишида катта роль ўйнашлари керак.

Далаларнинг меҳнаткашлари катта ватанпарварлик ҳис-туйғуси билан тўлиб-тошгандирлар. Республиканинг барча меҳнаткашлари каби улар ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида янги меҳнат ғалабаларига эришган ҳолда муносиб кутиб олиш учун интилмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга 35 миллион пуддан зиёд дон топширган ғаллакорлар, ўз мажбуриятларини шараф билан бажарган пиллачилар ва қорақўйчиларнинг ғалабаси қишлоқда тобора зўр куч билан юксалаётган ватанпарварлик ҳаракатининг, колхозчилар ва совхоз ишчилари меҳнатда кўрсатаётган ажойиб қаҳрамонликнинг ёрқин далилидир.

Энди жонажон мамлакатимизга энг қиммат-ли, энг асосий совға ҳисобланган «оқ олтин»ни топширишга киришиш вақти келди. Ҳосилни машинада теришни кенг қўлланиш бу вазифани ҳал қилишда муҳим звено ҳисобланади. Партия ташкилотлари омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни бир-бирига моҳирлик билан боғлаб олиб борган ҳолда, социалистик мусобақани ҳар томонлама қизитиб, олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга даъват этилгандир. Яқин 2-3 йил ичида пахтани машина билан теришга тўла киришишга қарор қилган Тошкент, Сирдарё ва Хоразм областлари пахтакорларининг ташаббусини ҳар тарафлама табриклаш лозим.

Пахтани машина билан териш — кадрларимиз сиёсий жиҳатдан нақадар етилганликлари учун масъулиятли синов, улар партиянинг қишлоқ хўжалигини янада интенсивлашга қаратилган қарорларини амалга ошириш соҳасидаги қобилиятларини текшириб кўришнинг энг яхши воситасидир.

Пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ишимизда комсомоллар, шонли ёшларимиз катта роль ўйнайди. Жўшқин ва битмас-туганмас куч-ғайратга тўлиб-тошган ёш ватанпарварлар бир неча марта ажойиб ишларнинг ташаббускорлари бўлдилар. Худди ана шу ёшлар ҳар гектар ердан юз центнердан дон олиш учун кураш байроғини баланд кўтардилар ва бу соҳада ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Худди ана шу ёшлар ҳозир сони минглаб саналадиган дастлабки комплекс механизациялашган бригадаларнинг ядросини ташкил этган эдилар.

Пахтани машинада териш — ёшлик иши ва ёшлар бу соҳада олдинги сафда боришлари зарур. Ёш ташаббускорлар буни яхши тушунишади. Ёш механизатор-пахтакорларнинг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слётида улар пахтани машина билан теришда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш намунасини кўрсатишга тайёр эканликларини айтдилар.

Слёт қатнашчилари Никита Сергеевич Хрушчевнинг табригини катта кўтаринкилик билан қарши олдилар. Бу табрикда, жумладан бундай дейилади: «Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида ва Қозоғистонда икки мингга яқин комсомол-ёшларнинг комплекс механизация бригадалари гектар бошига камида 30 центнер пахта олиш учун мусобақа қилаётганлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Бу — жуда яхши иш. Мамлакатимизда пахта етиштиришни кўпайтириш учун кураш намунасини ёшлар кўрсатмаса, ким кўрсатади».

Табрик ёш механизаторларнинг куч-ғайратини, ижодий активлигини ошириб юборди. Ишонамизки, улар Ватанни яна кўп шонли ишлари билан қувонтирадилар.

1964 йил республикамиз юбилей йили бўлганлиги учунгина машҳур эмас. Ноябрь ойида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми чақирилади ва унда қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга тааллуқли муҳим масалалар муҳокама қилинади. Биз учун Ўзбекистон меҳнаткашлари, пахтакорларнинг шонли армияси партиянинг қишлоқ хўжалигини тўла механизациялашга қаратилган йўлини оғишмай амалга ошираётганликлари ва мамлакатни ўзбек ернинг бебаҳо дурдонаси бўлган пахта билан мўл таъминлаётганликлари ҳақида Пленумга рапорт беришдан кўра муҳимроқ ва шарафлироқ нарса йўқ.

Пахтачиликнинг тақдири кетмонга эмас, балки машинага боғлиқ эканлигини исбот қилишимизга тўғри келган вақтлар бўлган эди. Партиянинг йўли тўғрилигини турмуш исботлаб берди. Эндиликда комплекс механизацияга, машинага қаттиқ таянмай туриб арзон пахта олиш асло мумкин эмас.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Машина теримига ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш мириқишкор пахтакорларимизнинг эзгу ниятларидир. Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг механизаторлари ҳам машиналарни теримга шайлаб қўйдилар. Суратда: шу колхознинг ёш механизаторларидан А. Иброҳимов. У мавсумда 150 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕРИМНИ ЎЙЛАБ...

Ленинград ишлаб чиқариш бош. қармасидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз коллективи бу йил мамлакатга 10 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган. Етиштирилган ҳосилнинг намида 2300 тоннаси «зангори кема»ларда терилади.

Совхозда машина теримига тайёргарлик ишлари тугалланай деб қолди. 40 та терим машинаси ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Бу машиналар ва уларнинг капитанлари теримга команда кутмоқдалар.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти механизатор кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор беряптилар. Шу мақсадда ташкил этилган махсус курсни шоферлардан 70 киши битириб чиқди. Мазкур курсда ўқиб, механик-ҳайдовчи гувоҳномасини олган ака-ука Толиб ва Иброҳим Абдуллаев, Йўлдошали Ҳолдоров, Анатолий Ткаченко каби ёшлар пахта ташиш билан бирга, мавсумда 30-40 тонна дан «оқ олтин» териб хирмонга тўкиш мажбуриятини олдилар.

М. ЯЎЛДОШЕВ.

ҚУВОНДИҚЛАР

Мирзачўлга сафар қилган ҳар бир киши Герман Титов номли 6-пахтачилик совхозига кирмасдан ўтмайди. Кейинги икки-уч йил мобайнида бу ерда рўй берган жуда катта ўзгаришлар кишини ўзига мафтун этади. Ҳа, Герман Титов номли совхоз совет кишиларининг қўли билан ҳар томонлама ривожланган йирик хўжаликка айланиб бормоқда.

Совхоз далаларини кезар экансиз, Инобат Охунова, Эргаш Жумаев, Эргаш Абдурахимов ўртоқлар каби чўлқуварлар қаторида ёш механизатор Қувондиқ Абдураззоқовнинг ҳам номини ҳурмат билан тилга оласиз.

Хўш, Қувондиқ Абдураззоқов ким? Қувондиқ Абдураззоқов кўпгина ҳамкасблари билан бирга Мирзачўлда боғбўстонлар яратмоқ иштиёқи билан келган.

Қувондиқнинг Мирзачўлга йўлланма олганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа давр ичида у чўлқуварлар ҳурматига сазовор бўлди, энг яхши механизатор — пахтакор сифатида Сирдарё областидагина эмас, бутун республикамизга, қолаверса Иттифоқимизга донг таратди.

Ёш механизатор бу иззат-икромга қандай қилиб эришмоқда? Бу саволга совхоз ишчилари «Қувондиқ ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли элга довруг таратди», дейишмоқдалар. Дарҳақиқат бунинг бойси бор.

...Қувондиқ яхши ният билан Самарқанддаги механизация билим юртига ўқишга кирди. Техникага бўлган муҳаббат уни Мирзачўл сари қанотлантирди. Ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналарининг миридан-сиригача мукаммал ўрганиб олган Қувондиқ Абдураззоқов Мирзачўлга бориб ишлаш иштиёқини билдирганида, баъзи бировлар унинг қобилиятига ишонишмади ҳам. Лекин Қувондиқ отаонаси билан маслаҳатлашиб, қўриқ ерларда ташкил топган Герман Титов номли 6-совхоз дирекцияси номига ариза ёзди.

Совхоз дирекцияси, партия ва комсомол ташкилотлари Қувондиқ Абдураззоқовнинг илтимосини қондиришди. Мана уч йилдан буён у Доний Юсупов бошлиқ бригадада механизатор бўлиб ишлаяпти.

Мамлакатга кўпроқ «оқ олтин» дурдоналари етказиб бериш иштиёқи билан тўлиб-тошган Қувондиқ Абдураззоқов биринчи йилиёқ трактор рулига ўтирди. Неча ўн гектарлаб қўриқ ер бағрини тилкапора қилди. Бу ерларга чигит экилди. Аёрлар оша халқуми оқар сув кўрмай, ташна бўлиб ётган бўз ерлар баракали ҳосил инъом этди. Айниқса 1963 йили жуда катта хирмон кўтарилди. Совхоз давлатга 16 минг 630 тонна пахта сотди. Бу пландагидан 3500 тонна кўпдир.

Қувондиқ Абдураззоқов хизмат қилаётган Доний Юсупов бошлиқ бригада аъзоларининг қўлга киритган ғалабаси ҳам салмоқли бўлди. Бригадада ҳар бир гектар ер ҳисобига қарийб 30 центнерга етказиб ҳосил олинди. Совхоз бўйича етиштирилган ҳосилнинг жуда катта қисми «зангори кема»ларда йиғиштириб олинган бўлса, бунда Қувондиқ Абдураззоқовнинг ҳам яхшигина ҳиссаси бор. У «ХВС-1,2» машинаси бункеридан 196 тонна «оқ олтин» тўкди.

Совхознинг барча бригадаларида пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишлар комплекс механизациялаштирилган. Техникага таяниб иш кўрилаётганлиги туфайли ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда, пахтанинг таннархи камайиб, ундан олинадиган даромад муттасил кўпаймоқда. Қувондиқ Абдураззоқов терган 196 тонна пахта эвазига биргина Доний Юсупов бошлиқ бригада 80 минг сўмга яқин даромад кўрди. Теримнинг машиналаштирилиши туфайли бригадада ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 9 сўмга тушди. Пахта теримига кетадиган меҳнат сарфи ўрта ҳисобда 5 марта камайди.

Герман Титов номли совхоз коллективи бу йил мамлакатга 21 минг тонна пахта етказиб бермоқчи. Ана шу пахтанинг 80 процентдан кўпроғи «зангори кема»ларда йиғиштириб олинади. Инобат Охунова, И. Саъдуллаев, Ҳ. Сиддиқов, А. Рустамов каби механизаторлар бу йилги мавсумда 200 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар. Механизаторлар карвонбошиси Қувондиқ Абдураззоқов эса 230 тонна «оқ олтин» териб хирмонга тўкишга ваъда қилган. Шу кеча-кундузда совхоз далаларида бўлган киши ажойиб меҳнат симфониясини кўриб қувонади. Шода-шода кўсак таққан ғўза туплари ҳосилини кўз-кўз қилади. Шунга қарамасдан ғўза парвариши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Айниқса бу ишда Қувондиқ Абдураззоқов ва унинг касбдошлари ажойиб ташаббус кўрсатиб меҳнат қиляптилар. Терим машиналари мавсум бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда.

С. ҚОДИРОВ.

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

БУХОРО, Қоракўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги 29-механизация билим юрти ташкил этилганидан буён уч йил вақт ўтди. Лекин шу қисқа давр ичида билим юрти коллективи пахта далалари учун 270 та механизатор кадр тайёрлаб берди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ана шу механизаторлар ҳозир қишлоқ хўжалик машиналарини моҳирона бошқармоқдалар.

Билим юртида бу йил ҳам кадрлар тайёрлаш иши яхши ташкил этилди. Яқинда яна 60 киши механик-ҳайдовчи касбини эгаллаб чиқди. Улардан 20 таси ўзбек қизларидир.

Турсунойчи қизлардан «Москва» колхози аъзоси Анвар Арслонова, «Ленинград» колхозидан Шарофат Бозорова, «Шарқ юлдузи» колхозидан Некбиби Фармонова, «Октябрь» колхозидан Латифа Аҳмедова ўртоқлар Қоракўл бошқармаси хўжаликларида машина теримининг ташаббускорлари бўлиш ва мавсумда 100-150 тоннадан «оқ олтин» териб беришга қарор қилдилар.

Механизация билим юртини шу йилнинг охиригача яна 180 киши битириб чиқади.

И. ЖУРАЕВ.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН



МЕХАНИЗАЦИЯНИНГ ИСТИҚБОЛИ ВОЙ!



АНТИМЕХАНИЗАТОРНИНГ ХОЛИГА ВОЙ!

Расмларни М. Воробейчиков чизган.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЗВЕНОЛАР

Бу йил Тошкент области хўжаликларида тракторчилар бошчилигида 3000 га яқин хўжалик ҳисобида ишловчи комплекс механизациялашган звенолар ташкил этилган. Уларда ерни экишга тайёрлаш, чигит экишдан тортиб, ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг ҳаммаси фақат механизмлар воситаси билан тракторчилар томонидан бажарилади. Комплекс механизациялашган звенолар кўп ва арзон пахта етиштириш, колхозчининг ва совхоз ишчиларининг кўп маҳсулот етиштиришдан моддий манфаатдорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Комплекс механизациялашган звенолар пахта етиштиришга сарфланадиган маблағ ва меҳнатни максимал камайтириб, давлатга, колхоз ва совхозларга катта иқтисодий фойда келтиряптилар. Бу айни вақтда звено аъзоларининг даромадини оширишга катта таъсир кўрсатади. Биз қуйида шу ҳақдаги баъзи материалларни босаётирмиз.

МЎЛ ҲОСИЛ ЯРАТУВЧИЛАР

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. АБДУРАЗЗОҚОВ билан суҳбат

Ҳозирги даврда пахтачиликни, унинг юксалиш истиқболини механизациясиз тасаввур этиш қийин. Кейинги йилларда область хўжаликларида пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг 70-75 процента механизмлар билан бажарилмоқда. Бу ишни механизаторлар бажаряпти. Демак, механизаторлар эндиликда пахтачиликда асосий фигура бўлиб қолди.

Лекин шуни унутмаслик керакки, механизатор ишни ўз вақтида ва сифатли бажарсагина ҳосил мўл бўлади. Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Механизаторнинг етиштириладиган ҳосилдан моддий манфаатдорлигини, бинобарин ҳосилнинг тақдири учун жавобгарлигини ошириш керак. Агар механизаторнинг ери, плани бўлмаса, ўз зиммасига конкрет мажбурият олиб ишламаса, ундан жавобгарликни талаб қилиб бўлмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 1961 йилдан бошлаб область колхоз ва совхозларида тракторчилар бошчилигида комплекс механизациялашган звенолар ташкил қилина бошланди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида ер участкаси, техника, ишчи кучи ажратиб берилди, ҳосил плани белгиланди. Шундай қилиб, илгари фақат белгиланган нормани бажариб ва ишлаган гектарига яраша ҳақ олиб келган тракторчи энди маълум миқдордаги ернинг бевосита эгасига, ишлаб чиқариш участкасининг раҳбарига, шу участкада етиштириладиган ҳосил учун жавобгар кишига айланди.

Натижа ёмон бўлмаяпти. Тракторчилар бошлиқ комплекс механизациялашган звенолар энг кўп ва арзон пахта етиштиряптилар, мўл ҳосил учун курашда бошқаларга намуна бўляптилар. Масалан, Бекобод бошқармасида ўтган йили давлатга пахта сотиш плани бажарилмай қолди. Аммо бошқармадаги «Чаноқ» совхози планни ошириб адо этди, ҳосилдорликни 1962 йилдагига нисбатан анча ошириб, бир йилда қолоқликдан чиқди. Бу соҳада комплекс механизациялашган звенолар катта роль ўйнади. Ўтган йили совхозда 10 та ана шундай звено ташкил этилган эди. Улар гектаридан 35 центнергача етказиб ҳосил олишди.

Шу бошқармадаги Ленин номли колхоз 1963 йили планни бажармади. Бироқ тракторчилар бошчилигида ташкил этилган комплекс механизациялашган звеноларнинг ҳаммаси фақат планнигина эмас, ҳатто олган социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этдилар. Бу наби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Область партия комитети, бошқармаларнинг партия комитетлари комплекс механизациялашган звеноларнинг иш тажрибасини синчиклаб ўргандилар ва уни кенг оммалаштирдилар. Агар 1961 йили областда ана шундай звенолар сони бармоқ билан санарли бўлган бўлса, 1962 ва 1963 йиллари уларнинг сони бир неча юзга етди. Бу йил айниқса шу соҳада кескин бурилиш ясалди. Область хўжаликларида тракторчилар раҳбарлигида 2926 та комплекс механизациялашган звено ташкил этилди. Улар 138 минг гектар майдонда мўл ва арзон пахта етиштириш учун курашни давом эттирмоқдалар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларга етиштирилган ҳосилнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлаш — қишлоқ хўжалигини юксалтириш, кўп ва арзон маҳсулот етиштириш учун курашнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини қайта-қайта таъкидлаб кўрсатмоқда. Область партия комитети, бошқармаларнинг партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмасини амалга ошириш учун изчиллик билан кураш олиб боряптилар. Бу соҳада бир қатор конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди ва у собит қадамлик билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда бутун-бутун хўжаликлар, барча бўлим, бригада ва звенолар хўжалик ҳисоби асосида ишлаяптилар. Уларнинг аъзолари етиштирилган ҳосилнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ оладилар. Ўтган йили областда ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 99 сўмга тўғри келди, хўжалик ҳисобининг фойдаси ана шундай қувончли бўлди.

Моддий манфаатдорлик принципи айниқса тракторчилар бошлиқ комплекс механизациялашган звеноларда тўла амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисобига жўчирилган, ўзининг технологик партасига эга. Ҳар бир звенога бераётган ҳосили ва колхоз ёки совхозга келтираётган даромадига қараб йиллик маош фонди ажратилган. Унинг маълум қисми аванс тариқасида ҳар ойда маош тартибида бериб борилади. Тракторчи звенога раҳбарлик қилгани учун звенонинг бошқа аъзоларига нисбатан кўпроқ ҳақ олади. Масалан, звено аъзолари область бўйича ой сайин ўрта ҳисобда 70 сўмдан ва звено бошлиқлари 100-120 сўмдан маош оляпти. Агар звено планни ошириб бажарса, пландан ташқари сотилган пахта қимматининг 50-60 процентини, бундан ташқари пахта етиштириш учун белгиланган ҳаражатдан иқтисод қилинса, унинг ҳам ярми қўшимча ҳақ сифатида звено аъзоларига тақсимлаб берилади.

Комплекс механизациялашган звеноларда арзон пахта етиштириш учун олиб борилаётган кураш қанчалик яхши натижа бераётганини қуйидаги мисолдан кўриш бўлади. 2926 звенода ярим йил мобайнида 1 миллион 121 минг сўмлик ўрнига 670 минг сўмлик ёнилғи, 6 миллион 398 минг ўрнига 4 миллион 398 минг киши-куни сарфланган. Меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида иш ҳақидан 4 миллион 373 минг сўм иқтисод қилиб қолинди. Бу қувончли кўрсаткичга эришишда ҳосил учун жавобгарликни тўла ўз қилган ҳолда барча ишларни юқори сифатли қилиб бажариш, қанча кўп меҳнат, маблағ ва материал тежалса звено аъзолари ундан шунча кўп моддий манфаатдор бўлиши катта роль ўйнади.

Шу нарса қувончлики, комплекс механизациялашган звеноларда фақат кўп меҳнат, маблағ ва материал иқтисод қилиниб қолмай, энг муҳими мўл ҳосил етиштириляпти.

Яна шуни айтиш керакки, комплекс механизациялашган звеноларнинг аъзолари меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатяптилар. Комплекс механизациялашган звеноларнинг 600 таси бу йил нарядсиз система асосида ишлаяпти. Уларда кунлик норма белгиланмайди. Звено аъзолари ўзаро ишонч билан маълум соат давомида ишни сифатли бажарадилар. Бу звенолар бошқалардан яна шу билан фарқ қилдики, улар бригадаларга эмас, балки тўғридан-тўғри колхоз правлениеси ёки совхоз дирекциясига бўйсунади, унинг олдида ҳисоб беради.

Комплекс механизациялашган звеноларнинг ҳосил йиғим-терими мансимум машиналаштиришда асосий таянч ҳисобланадилар. Звено бошлиқларининг ҳаммаси ўз звеноларида етиштирилган ҳосилни ўзлари машинада теришга ваъда беришган. Шунга асосан агар ўтган йили область хўжаликларида етиштирилган барча ҳосилнинг 28 проценти машинада терилган бўлса, бу йил камида 50 процентини «зангори кема»лар билан териб олиш мўлжалланяпти.

Шубҳа йўқки, деди ўртоқ Абдураззоқов суҳбатнинг охирида, бу йил область пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариб, Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг юбилейини муносиб кутиб оладилар. Бунда комплекс механизациялашган звенолар ҳиссаси катта бўлади.

Биз пахта етиштиришда меҳнатни батамом механизациялаштиришимиз мумкин ва керак. Сабот, матонат, қатъият кўрсатиб, машиналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак, фақат машиналар ёрдами билан меҳнат унумдорлигини оширишимиз, олға силжишимиз мумкин.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

«Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бу йил тракторчилар бошчилигида 96 та комплекс механизациялашган звено ташкил этилган. Ана шу звеноларнинг ҳаммасида етиштирилган мўл ҳосилни асосан машиналарда териб олиш мўлжалланмоқда. Суратда: биринчи бўлимнинг звено бошлиқлари (чапдан) Ҳамид Жумаев, Ридван Чки ва Энвер Алиев ўртоқлар машина терими ҳақида суҳбатлашяптилар.

А. Палехов фотоси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Бу йил Тошкент областининг колхоз ва совхозларида тракторчилар бошчилигида 2926 комплекс механизациялашган тюпкочи звено ташкил этилди.

● Комплекс механизациялашган звенолар 138 минг гектар майдонда пахта етиштиришяпти.

● Комплекс механизациялашган звенолардан 600 таси нарядсиз система асосида ишлаяпти.

● Комплекс механизациялашган звенолардан ҳаммаси хўжалик ҳисобига ўтказилган. Звеноларнинг аъзолари ойига ўрта ҳисобда 70 сўмдан ва бошлиқлари эса 100-120 сўмдан аванс тариқасида маош оляпти.

● Звеноларда мўл ҳосил етиштириш билан бир қаторда, пахтанинг таннархини камайтириш, ишлаб чиқариш планида белгиланган маблағ ва меҳнат сарфларининг имкони борича кўпроқ қисмини тежаб қолиш учун қатъият билан кураш олиб бориляпти. Ярим йил мобайнида 2926 звенода 1 миллион 121 минг сўмлик ўрнига 670 минг сўмлик ёнилғи, 6 миллион 398 минг ўрнига 4 миллион 398 минг киши-куни сарфланди.

● Меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида 4 миллион 373 минг сўмлик иш ҳақи иқтисод қилиб қолинди.

ЭНГ ТЎҒРИ УСУЛ

Ш. АТАМАНОВ, База директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари.

●

Бу йил Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг илмий-эксперименталь базасига айланган бизнинг участкамиз илгари 1-«Оққўрғон» совхозининг бир бўлими эди. 750 гектар ерда пахта етиштиряпмиз. Ана шу майдон 17 та комплекс механизациялашган звенога бўлиб берилган. Бизда бригада системаси тугатилган. Звеноларга тракторчилар бошчилик қилишади. Улар тўғридан-тўғри база дирекциясига бўйсунади.

Ҳар бир звенога ўрта ҳисобда 40 гектар ер участкаси, звено бошлиғи билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 8-9 тадан одам, биттадан чопиқ трактори ва пахта терими машинаси, 2 тадан автоприцеп, зарур қишлоқ хўжалик машина ва асбоблари тўғри келади.

Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпко бошлаб берган звено усули эндиликда ҳосилдорликни ошириш, кўп ва арзон пахта етиштириш, етиштирилган маҳсулотдан пахтакорларни моддий манфаатдор қилишнинг бирдан-бир тўғри усули эканлиги амалда исботланди.

Биздаги 17 звенонинг ҳаммасида ҳосилдорлик, иқтисодий кўрсаткичлар бир-биридан қолишмайди. Шу сабабли мисол тариқасида ўртоқ Бозор Аҳмедов бошлиқ звенони олмоқчиман. Звено ўтган йили 41 гектар майдонинг ҳар гектаридан 24,5 центнердан ҳосил олди. Ҳосилдорлик бир йилда қариб 1,5 баравар ошди. Бир центнер пахтанинг таннархи 17,7 сўмга тўғри келди.

Хўш, звено аъзолари бундан қандай моддий манфаат кўрди? Даставвал шуни айтиш керакки, улар давлатга 1962 йили шу участкадан берилганига нисбатан 1,5 бараварга яқин кўп пахта сотдилар. Бошқа барча звенолар каби бу звено ҳам хўжалик ҳисобида иш олиб боради. Агар 1962 йили бўлимда ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 41 сўм ва тракторчининг маоши 79 сўмни ташкил қилган бўлса, 1963 йили звенонинг ҳар бир аъзоси ой сайин 75 сўмдан олиб турган маошидан ташқари йил охирида 750 сўмдан мукофот олди. Звено бошлиғининг ўртача иш ҳақи эса 230 сўмданга тўғри келди.

Ҳозир ҳамма звеноларнинг аъзолари ойига 75 сўмдан, звено бошлиқлари эса 95 сўмдан аванс олишяпти. Агар улар пландан ташқари қанча кўп ҳосил етиштирса ва қанча кўп маблағни иқтисод қилса, йил охирида шунча кўп мукофот олади. Чунки звенода пландан ташқари етиштирилган пахта қимматининг 40 проценти ва иқтисод қилинган маблағнинг 25 проценти звено аъзоларига тақсимлаб берилади. Шу сабабли улар ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда, кўпроқ иқтисод қилишга ҳам интиляптилар.

Ўртоқ Аҳмедов бошлиқ звено аъзолари бу йил 47 гектар майдондан пландаги 23,5 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб боряпти. Звенода олинган мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштириляпти. Фақат Аҳмедов бошлиқ звенодагина эмас, балки бошқа барча звеноларда ҳам ҳосилнинг чўғи яхши. Шубҳасиз, бу йил етиштириладиган пахтанинг миқдори янада ошади, унинг таннархи тағин ҳам арзонлашади. Бу, звеноларнинг аъзоларига катта даромад, давлатга эса кўп фойда келтиради.

ИШОНЧ

Пяк ПЕТР,

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхозининг звено бошлиғи.

◆ ◆

Областимиз колхоз ва совхозларида ажойиб бир ҳаракат бошланди. Тракторчилар бошлиқ кўпчилик звенолар нарядсиз усул билан ишлай бошладилар. Бизнинг звеномиз ҳам колхозда биринчи бўлиб бу ҳаракатга қўшилди.

Бу йил 66 гектар майдонда пахта етиштирдик. Гектаридан 43,5 центнердан ҳосил олиш, пахтанинг таннархини имкони борича арзонга туширишга ваъда бергамиз. Бу табиий. Звеномиз хўжалик ҳисобига ўтган. Шу сабабли пландан ташқари кўпроқ ҳосил етиштириш, харажат қилиниши лозим бўлган маблағнинг бир қисмини тежашга ҳаракат қиламиз. Чунки бундан манфаатдормиз. Пландан ташқари етиштирилган ҳосил қимматининг ва тежалган маблағнинг бир қисмини йил охирида звеномиз аъзолари билан бўлиб оламиз.

Бу жиҳатдан бизнинг звеномиз тракторчилар бошлиқ бошқа комплекс механизациялашган звеноларидан фарқ қилмайди. Бизнинг фарқ қиладиган томонимиз шундаки, звеномиз аъзолари учун кундалик иш нормаси белгиланмаган. Улар ўзаро ишонч асосида маълум соат давомида сифатли меҳнат қиладилар. Ҳар ойда эса маълум миқдорда маош оладилар. Бу, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг чинакам намунасидир.

Энди бу қандай натижа беряпти, деган саволга келганда шуни айтиш мумкинки, ҳозир тўплаган ҳосилимиз ўтган йилнинг шу давридагидан кўп бўлса борки, лекин кам эмас. Бундан звено аъзолари янги усулга ўтгандан кейин илгаригидан ҳам яхши ишлаяптилар, ўз бурчларини виждонан адо этяптилар, деган хулоса келиб чиқади.

Бу ҳаракатнинг келажаги порлоқ. У колхозчилар ва совхоз ишчиларини ҳалоллик, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, қишлоқда коммунистик муносабатларни тезроқ қарор топтириш, коллектив аъзолари ўртасида ўзаро ишончни кучайтиришда катта роль ўйнайди. Шу сабабли унга барча хўжаликларда кенг йўл очиб бериш, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва тобора кўпроқ коллективларни бу ажойиб ҳаракатга жалб этиш зарур.

ТАЯНЧИМИЗ

Ҳ. ҲАМРОҚУЛОВ, Бекобод бошқармасидаги Ленин номли колхознинг раиси.

●

Тракторчилар бошлиқ комплекс механизациялашган звеноларнинг бундан кейин колхоз ва совхозларда асосий таянч бўлиб қолади. Икки йиллик тажриба бу принципнинг тамоман мақбул эканлигини исботлади. Ана шу звеноларда бошқа ҳар қандай бригададагига нисбатан мўл ва арзон ҳосил етиштириляпти. Ер, сув, техника ва ўғитдан, ишчи кучидан тўғри фойдаланиляпти. План ва мажбуриятлар тўла-тўкис адо этиляпти.

Мен бу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Эътироф этиш керакки, бултур колхозимиз давлатдан қарздор бўлиб қолди. 2285 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 24.1 ўрнига 20.2 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилдорлик кам бўлганлиги сабабли пахтанинг таннархи ҳам қимматга тушди. Бир центнер пахта етиштиришга 26 сўм 90 тийин сарфланди.

Аммо тракторчилар бошлиқ 7 та комплекс механизациялашган звенонинг кўрсаткичлари бутунлай бошқача бўлди. Аввало уларнинг ҳаммаси план ва мажбуриятини ошириб бажарди. Бунинг устига энг арзон пахта етиштиришди.

Масалан, Абдубашир Усмонов звеносини олайлик. Звено бошлиғи билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 8 киши 38 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига 14.25 тоннадан пахта етиштирилди. Ҳосилнинг тенг ярми машинада терилди. Бир центнер пахта етиштиришга 4.5 меҳнат куни, ҳамда 18 сўмдан сал ортиқ маблағ сарфланди. Бошқа звенолар ҳам ана шундай яхши кўрсаткичга эришдилар.

Биз йилнинг бошида ҳосилдорликни ошириш, колхозни қолоқликдан чиқариш режаларини тузганимизда бу соҳада комплекс механизациялашган звеноларга таянниш керак деган хулосага келдик. Шу сабабли бу йил 17 та ана шундай звено ташкил этилди.

Комплекс механизациялашган звеноларнинг ҳаммасида ерни экишга тайёрлашдан тортиб, то ғўзани чеканка қилишгача бўлган барча ишлар фақат механизмлар ёрдами билан бажарилди. Экин талабига қараб икки томонлама культивация қилинди, озиқлантирилди ва суғорилиляпти. Натижада ғўза нормал ривожланиб, серҳосил бўляпти. Уларнинг ҳар туп ғўзасида ҳозирнинг ўзидаёқ 8-10 тадан кўсак бор.

Бунинг боиси шундаки, комплекс механизациялашган звеноларнинг аъзолари бу йил янада кўп ва арзон пахта етиштириш ҳамда колхозни қолоқликдан чиқаришга ҳисса қўшишга ваъда беришган. Жумладан, Усмонов бошлиқ звено аъзолари 45 гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олиш, ҳар бир киши ҳисобига 16 тоннадан пахта етиштириш, ҳосилнинг ҳаммасини машинада териш, бир центнер пахта етиштириш учун уч киши-куни сарфлаш ва унинг таннархини ўтган йилдагидан анча камайтириш учун курашмоқдалар. Улар ўз олдиларига қўйган мақсадга эришиш учун интилиб, олти ой мобайнида юзлаб киши-куни ва 1219 сўм маблағни иқтисод қилишди. Бошқа звеноларда ҳам пахта етиштириш учун сарфлаш мўлжалланган маблағ кўплаб тежаляпти. Бу, иқтисодий жиҳатдан камқувват бўлган колхозимиз учун катта аҳамиятга эга. Чунки ана шу тежалган маблағнинг бир қисмини звеноларнинг аъзолари оладилар. Қолгани эса колхозга мадад бўлади.

САФИМИЗ КЕНГАЯВЕРСИН!

Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейи йилида она-Ватанга камида 3 миллион 600 минг тонна пахта етказиб берамиз, деб меҳнат қиляпмиз. Мўл ҳосил етиштириш йўлида қанча-қанча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Айниқса ҳосилни сақлаб қолиш учун бу йил қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қаттиқ ўт очишга тўғри келди. Ҳозир далаларимизда ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўпланаётган экан, бу пахтакорларнинг ғайрат билан қилган меҳнати, ҳиммати мевасидир.

Кўсаклар тобора етилмоқда ва очилмоқда. Ғўза ҳам пишиб, кузги яқинлашиб қолганидан дарак бермоқда. Ҳадемай йил бўйи қилган ишимиз меваси тарозига тушади, пахта йиғим-терими бошланади.

Биз механизаторлар ҳам ўз зиммамизга катта мажбурият олганмиз. 3 миллион 600 минг тонна пахтанинг 1 миллион тоннасини, яъни тўртдан бир қисмидан кўпроғини машиналар билан териб олишимиз керак. Ана шу мақсад йўлида ғўзаларимизни машинабоп қилиб ўстиряпмиз, далада бегона ўтнинг бош кўтаришига йўл қўймаяпмиз.

Эндиликда машинанинг қадрига етмайдиган пахтакор кам қолди. Машина терининг афзалликлари ҳаммага аён. Лекин ўтган йили айрим хўжаликларда ва бошқармаларда машина терими плани бажарилмаган экан, бунга ишни пухта ташкил этмаган, ҳосилни йиғиб-териб олишни механизациялашга йил бошидан тайёргарлик кўрмаган хўжалик раҳбарлари айбдордир. «Ишчи кучи кўп, ҳар қанча пахта бўлса ҳам қўлда териб оламиз», деган раҳбар катта хато қилади. Машина терининг афзаллиги ҳосилни йиғиштириб олишга қўл меҳнатини кам сарфлашдагина эмас, машина терим-чининг оғир ишини енгил қилади, бутун ҳосил барвақт йиғиштириб олинади. Бинобарин, ерларни ўз вақтида шудгорлаб қўйиб, келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлашга беқиёс имкониятлар яратилади.

Бу йил ўз мажбуриятимизни бажариш, машиналар билан 1 миллион тонна пахтани териб олиш учун нималар қилишимиз керак? Вақт ганиматлигида ҳар бир хўжаликнинг раҳбари ана шу ҳақда ўйлаб кўрсин.

Машина терининг муваффақияти механик-ҳайдовчи кадрларга боғлиқ. Бу йил пахта далаларида ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ терим агрегатлари қатнашади. Лекин ҳали кўп жойларда бу агрегатларни икки сменада ишлатиш учун механик-ҳайдовчилар етишмайди. Махсус курсларда, билим юртларида тайёрланаётган механик-ҳайдовчилар ҳам камлик қилади. Ҳозирги кунда ана шу камчиликларни дарҳол тугатиш тўғрисида ўйламасак, ахир эртага вақт ўтиб, кеч бўлиб қоладику!

Пахта терими машиналари ремонти ҳам кўп жойларда пайсалга солиняпти. Терим агрегатларининг ярмини ҳам ремонтдан чиқармаган хўжаликлар кўп. Бу аҳвол давом этаверса, теримнинг долзарб кунлари келганда шошиб қолиш мумкин.

Биз ҳар биримиз 200-300 тоннадан пахта теришга ваъд қилиб, агрегатларимизни тахт қилиб қўйганмиз. Терим машиналаригина эмас, далаларимиз ҳам механизмларнинг иш бошлашига тайёр. Фақат ғўза баргини ўз вақтида тўктиришимиз ва машиналар қайтадиган жойларни тайёрлаб қўйишимиз керак. Олдимизда ана шу икки муҳим иш турибди. Уларни ҳам вақтида бажарсак, ғўза баргини сифатли тўктириб, пахтанинг тез очилишини таъминласак, марра бизники. Конструкторларимиз, ишчиларимиз яратиб берган ажойиб машиналар билан кўплаб пахта териб оламиз.

Ҳар бир хўжаликда машина терими муваффақиятли ўтказиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўриш лозим. Айниқса механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор бермоқ керак. Айрим жойларда терим машиналари ўтган йили унумсиз ишлатилган экан, бунинг сабаби «зангори кема»ларнинг яхши ишлаши учун барча шароит яратиб берилмаганлиги, шу билан бирга баъзи механик-ҳайдовчиларимиз малакасининг пастлигидир. Терим машинаси — мураккаб агрегат. Механик-ҳайдовчилар ҳар бир пайкалдаги ҳосилнинг чўғи, пахтанинг қай даражада очилганлигига қараб, агрегатни тўғри созлай биладиган бўлсинлар. Кўпгина механик-ҳайдовчилар машина теримида катта тажриба орттирган эмас. Айниқса курсларни янги битириб чиққан ҳайдовчилар терим мавсумида дастлабки кунларда қийналиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам уларга доимий гамхўрлик қилиш зарур. Бизнингча, бундай механик-ҳайдовчиларни кўп йиллардан буён терим машинасини бошқариб, катта тажриба тўплаган механизаторларга бириктириб қўйиш, уларнинг ишидан ҳар кун хабардор бўлиб туриш, илғор механик-ҳайдовчиларнинг иш тажрибасини ўргатиш юзасидан семинарлар ташкил этиш керак.

Колхоз ва совхозларнинг инженерлари ва бошқа мутахассислари ёш кадрларга оталиқ қилишлари, уларга илғор тажрибаларни ўргатиш ва механик-ҳайдовчилар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун шароит яратиб беришни зиммаларига олишлари керак. Ана шундагина ишимиз янада равнақ топади, ҳар бир терим агрегати унумли ишлатилади.

Машина теримига ҳозирги ғаниматфурсатларда пухта тайёргарлик кўриш, терим агрегатларини икир-чикиригача созлаб қўйиш, механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш хўжаликлар ва ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарлари ва мутахассисларининг энг муҳим бурчидир.

Биз барча хўжаликларнинг раҳбарларига мурожаат қиламиз: ҳар бир терим агрегатини ҳозир тахт қилиб қўйинг. Машина теримига ажратилган майдонларда бегона ўт бўлишига йўл қўйманг, механик-ҳайдовчилар тайёрлаш ва тарбиялашга эътиборни кучайтиринг. Машина терими — пахтачилигимизнинг келажагидир. Юбилей йилида пахта етиштиришни комплекс механизациялаш соҳасида яна бир улкан қадам ташлайлик.

Жавод КУЧИЕВ, Мамажон ДАДАЖОНОВ, Маҳбуба НАСРИДДИНОВА, Ойимхон ОРТИҚБОЕВА, Матлуба НАЗАРОВА.

Республикада хизмат кўрсатган механизаторлар.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаб ўстирган қуйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** фахрий унвони берилиб, **«Қаҳрамон она»** ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

1. **Азимова Саломат** — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
2. **Ортиқова** Махсудахон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
3. **Отамирзаева** Ҳалима — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
4. **Охунова** Тожихон — рўзғор ишидаги аёл, Янгиқўрғон районидаги Узак қишлоғи.
5. **Баннаева** Эргашхон — «Октябрь» колхозининг аъзоси, Янгиқўрғон районидаги.
6. **Ғафурова** Зулфия — рўзғор ишидаги аёл, Избоскан районидаги Санграбод қишлоғи.
7. **Гулматова** Сайдинисо — «Ленинчи» колхозининг аъзоси, Москва районидаги.
8. **Дадажонова** Обидахон — «Правда Востока» колхозининг аъзоси, Марҳамат районидаги.
9. **Жумабоева** Қурванжон — Ленин номли колхозининг аъзоси, Марҳамат районидаги.
10. **Исломова** Тожихон — «Москва» колхозининг аъзоси, Балиқчи районидаги.
11. **Қодирова** Нисохон — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
12. **Қосимова** Санталат — рўзғор ишидаги аёл, Учқўрғон районидаги Учқўрғон шаҳар посёлкаси.
13. **Қоримирзаева** Марҳамат — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
14. **Маъмурова** Ширмонхон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
15. **Маҳмудова** Саломат — Энгельс номли колхозининг аъзоси, Марҳамат районидаги.
16. **Муродова** Тўпахон — «Социализм» колхозининг аъзоси, Балиқчи районидаги.
17. **Ражабова** Қундуз — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
18. **Раҳмонова** Ҳайринисо — рўзғор ишидаги аёл, Учқўрғон районидаги Ҳаққулобод қишлоғи.
19. **Рўзиева** Майли — «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси, Янгиқўрғон районидаги.
20. **Салимова** Қумри — «Мингбулоқ» совхозининг ишчиси, Балиқчи районидаги.
21. **Салимова** Саломат — рўзғор ишидаги аёл, Москва районидаги Назармахрам қишлоғи.
22. **Самсоқова** Салхаби — рўзғор ишидаги аёл, Чуст районидаги Чуст шаҳар посёлкаси.
23. **Тошматова** Нурхон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
24. **Умрзоқова** Буҳажал — «Ленинчи» колхозининг аъзоси, Москва районидаги.
25. **Ҳайдарова** Бозоржон — 8-совхозининг ишчиси, Избоскан районидаги.
26. **Халилова** Шарофат — рўзғор ишидаги аёл, Чуст районидаги Чуст шаҳар посёлкаси.
27. **Холматова** Эътиборхон — «Коммунизм» колхозининг аъзоси, Балиқчи районидаги.
28. **Ҳасанова** Хосиятхон — «Ленинград» колхозининг аъзоси, Хўжаобод районидаги.
29. **Шомирзаева** Рислукбу — рўзғор ишидаги аёл, Москва районидаги Ховос қишлоғи.
30. **Шамсиддинова** Шаҳодат — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
31. **Шералиева** Соҳадби — «Коммунизм» колхозининг аъзоси, Чуст районидаги.
32. **Йўлдошева** Амина — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
33. **Юнусова** Маҳфиратхон — Свердлов номли колхозининг аъзоси, Москва районидаги.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

34. **Авазова** Султон — Ленин номли колхозининг аъзоси, Қоракўл районидаги.
35. **Олтиева** Чинни — Энгельс номли колхозининг аъзоси, Қоракўл районидаги.
36. **Аҳатова** Ҳакима — рўзғор ишидаги аёл, Когон шаҳри.
37. **Даминова** Зулайхо — Калинин номли колхозининг аъзоси, Ғиждувон районидаги.
38. **Жасинбоева** Сирга — рўзғор ишидаги аёл, Навоий районидаги «Коммунизм» совхозининг посёлкаси.
39. **Жумаева** Шамсия — «Ленинград» колхозининг аъзоси, Ромитан районидаги.
40. **Жўраева** Ҳалима — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро районидаги 22-совхоз посёлкаси.
41. **Идиева** Абира — «Ленинград» колхозининг аъзоси, Бухоро районидаги.
42. **Исмонлова** Нусқа — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро шаҳри.
43. **Мамедова** Муфара — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро шаҳри.
44. **Мўминова** Гавҳар — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро шаҳри.
45. **Назарова** Қурбон — Гагарин номли колхозининг аъзоси, Ромитан районидаги.
46. **Назарова** Махсад — Охунбобоев номли колхозининг аъзоси, Бухоро районидаги.
47. **Раҳматова** Малика — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро районидаги Саманчўқ қишлоғи.
48. **Тонготтиева** Ойша — «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси, Қоракўл районидаги.
49. **Ҳатамова** Хатича — Калинин номли колхоз аъзоси, Ғиждувон районидаги.
50. **Шодиева** Ҳамида — «Қизил байроқ» колхозининг аъзоси, Вобкент районидаги.
51. **Шарапова** Севар — Охунбобоев номли колхозининг аъзоси, Вобкент районидаги.
52. **Шарипова** Ҳамро — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро районидаги Ушат қишлоғи.
53. **Орипова** Шамсия — рўзғор ишидаги аёл, Ғиждувон районидаги Ғиждувон шаҳар посёлкаси.
54. **Шукурова** Рухсат — Калинин номли колхозининг аъзоси, Ғиждувон районидаги.
55. **Йўлдошева** Севар — рўзғор ишидаги аёл, Навоий районидаги Уйрат қишлоғи.
56. **Йўлдошева** Шарофат — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро районидаги Арабхона қишлоғи.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

57. **Абдуллаева** Муҳтарам — «Пятилетка» колхозининг аъзоси, Самарқанд районидаги.
58. **Облақулова** Мактаб — рўзғор ишидаги аёл, Пастдарғом районидаги Пахтачи қишлоғи.
59. **Ашурова** Ўғилой — рўзғор ишидаги аёл, Пастдарғом районидаги Бахшибой қишлоғи.
60. **Баҳромова** Қудрат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Урганчи қишлоғи.
61. **Исматова** Ҳурмат — Киров номли колхозининг аъзоси, Пастдарғом районидаги.
62. **Қодирова** Севартош — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Арабхона қишлоғи.
63. **Қалқонова** Тўти — рўзғор ишидаги аёл, Пастдарғом районидаги «Улус» совхозининг посёлкаси.
64. **Каримова** Тожи — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Сулфаквутак қишлоғи.
65. **Қипчоқова** Ўрол — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Тарахли қишлоғи.
66. **Қурбонова** Ўрол — Ленин номли колхозининг аъзоси, Каттақўрғон районидаги.
67. **Мамадалиева** Мансура — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги 1-Каттақўрғонариқ қишлоғи.
68. **Маматқулова** Фотима — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Ҳазара қишлоғи.
69. **Маҳмудова** Муҳаррам — «Ленинобод» колхозининг аъзоси Самарқанд районидаги.
70. **Расулова** Иқбол — рўзғор ишидаги аёл, Пастдарғом районидаги Сарибош қишлоғи.
71. **Раҳимова** Шарофат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Загалик қишлоғи.
72. **Раҳматова** Хурсанд — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Инакли қишлоғи.
73. **Рашидова** Хурсанд — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Жумабозор қишлоғи.
74. **Содиқова** Ҳикоят — «Победа» колхозининг аъзоси, Норпой районидаги.
75. **Сатторова Нарзи** — рўзғор ишидаги аёл, Булунғур районидаги Келдон қишлоғи.
76. **Тожиддинова** Маҳбуба — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Чордара қишлоғи.
77. **Таниева** Ҳакимаой — рўзғор ишидаги аёл, Нурота районидаги Ахчаб қишлоғи.
78. **Тўрабова** Байна — Пушкин номли колхоз аъзоси, Самарқанд районидаги.
79. **Усмонова** Шарофат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Бадал қишлоғи.
80. **Фозилова** София — ўқитувчи, Самарқанд районидаги.
81. **Ҳантова** Тожи — рўзғор ишидаги аёл, Пастдарғом районидаги Қорабўйин қишлоғи.
82. **Холова** Шаҳодат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Арабхона қишлоғи.
83. **Хушвақова** Бувиш — рўзғор ишидаги аёл, Пастдарғом районидаги Найманча қишлоғи.
84. **Эсонқулова** Истат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Арабхона қишлоғи.

(Давоми бор)

ТИНҒЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

РАДИО

25 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт. 7.45 — Чанг куйлари. 8.25 — Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 9.25—Мейен. Ўзбек темаларида ёзилган сюита (1-қисм). 9.50 — Тожик тилида суҳбат. 10.30 — «Ҳар доим тинчлик бўлсин». Адабий-музикали эшиттириш. 11.15—«Ўқув йилига тайёрмиз» деган эшиттириш (рус). 11.25—Еш композиторларнинг асарлари. 13.30 — Ватан ҳақидаги қўшиқлар. 15.45—Реклама ва эълонлар. 15.50 — «Москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз» деган суҳбат. 16.00 — «Шонли 40 йиллик» циклидан музикали эшиттириш. 18.00 —Классик куйлар шинавандалари учун концерт. 19.20 — Қорақалпоқ халқ қўшиқлари. 20.00 —«Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали. 20.45 — «Меҳнат кишини улуғлайди» циклидан эшиттириш. 21.15—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт. 22.00 — «Дунё воқеалари» (ўзб.). 22.10 — Ўзбекистон радио ва телевидениесининг солисти Т. Бадинов концерти. 22.30 — «Шу куннинг қаҳрамонлари» циклидан рус тилида адабий эшиттириш. 23.10—Маком кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Бир хасис ва қувноқ поезд** (болалар учун кўгирчоқ фильми). 18.25— **Замондошимиз** (журналист блокнотидан). 19.05 —**Телевизион янгиликлар.** 19.25 — **Тунги суҳбат** (А. Сосин асари асосида телепостановка). 21.05 — **Реклама ва эълонлар.**

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар.** 21.35 — **Москваликлар ташаббусини қўллаймиз** (саноат ходимлари учун). 21.55 — **Она ер қўшиғи** (Жуманиёз Жабборов поэмаси асосида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10 — **Ғунча** журнали саҳифаларида. 18.30 — **Тошкент янгиликлари.** 18.40 — **Ҳужжатли фильм.** 19.10 — **Атом ядроси сирлари** (илмий-оммабоп лекторий).

Рус тилида: 19.30—**Тошкент янгиликлари.** 20.40 — **Тинч океан бўйида** (Владивосток телестудияси очерки). 21.05 — **Совет тасвирий санъати.** 21.35 — **Аланга ва шоншараф қўйнида** (ҳужжатли фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Оқ карвон — «ВАТАН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим ва 3-20 минутда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 2 дан), «ВОСТОК» (эрталаб 9-20 минут, кундуз 1 ва 5 да).

Фронт болалари — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Қара, йўл кўринади — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ялангоч дипломат — НАВОИЙ номли (кундуз соат 5, кеч 6-40, 8-20 минут ва 10 да).

Почтальон эшик қоқди — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мени Кожа дейишади—«ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ишларинг қалай, йигитча? — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

30 АВГУСТДА ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА

Ўзбекистон ССРда ўтказиладиган 1964 йилги

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

тўртинчи чиқарилиш билетларининг

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ.

Бу тиражда лотереянинг тўрт разрядига 555.000 сўмлик 372000 та буюм ва пул ютуқлари ўйналади.

Ютуқлар орасида: 8 та «Москвич» автомашинаси, 20 та «Планета» мотоцикли, 16 та пианино, 20 та «Рекорд» телевизори, 16 та магнитофон, 120 та холодильник, 240 та тикув ва кир ювиш машинаси, 360 та гилам ва пояндоз ҳамда бошқа қимматли буюмлар бўлади.

Лотерея билетлари сотиб олишни унутманг!

ИТАЛИЯ МОТАМДА

РИМ, 22 август. ТАСС мухбири В. Гончаров хабар беради: Рим бугун ҳам одатдагича, — қуёш нур сочиб турибди, шаҳар гавжум, майдонларда юзлаб туристлар тўпланмоқда, шаҳар аҳолиси ўзининг одатдаги иши билан машғул. Лекин шаҳарнинг бутун ҳаётида бугун қандайдир янгилик пайдо бўлди. Автобусларга ва троллейбусларга тушиб, заводларга бораётган ишчиларнинг қўлларидаги газеталарда Пальмиро Тольяттининг вафот этганлиги катта қора ҳарфлар билан мотам ҳошияси ичида хабар берилган. Одамлар ташвишда қолганлиги қиёфаларидан кўриниб турибди. Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, «Унита» газетаси редакциясининг биноларида байроқлар энгаштириб қўйилган.

Италияда бир одат бор: ўзларининг яқин қариндошлари вафот этган кишилар мотам кунларида камзулларининг ёқасига қора лента тақиб қўядилар. Атрофи қизил лента билан ўралган бундай қора ленталарни кўп кишиларнинг кийимида кўриш мумкин.

Тольяттининг вафоти тўғрисидаги хабар оғиздан-оғизга ўтиб, яшин тезлигида бутун Римга, бутун Италияга тарқалди.

Кеча кечқуруноқ Италия Коммунистик партиясининг кўпгина секцияларида мотам йиғилишлари бўлиб ўтди. Кўп заводлар ва фабрикаларда ишчилар мотам аломати қилиб, ишни бир оз вақт тўхтатиб турдилар. Милан, Ливорно, Латина, Салермо, Бари, Генуя, Пиза, Флоренция ва бошқа шаҳарларнинг меҳнат палаталари ўрток Тольятти хотирасини ҳурматлаб махсус манифестлар чиқардилар.

Сенат раиси, республика президенти вазифасини бажарувчи Мердзагор, президент Сеньининг рафиқаси ва ўзи оғир бетоб бўлиб ётган президентнинг бутун оиласи Италия Коммунистик партияси раҳбарлигига таъзия телеграммалари юбордилар. Уларнинг ҳаммаси Коммунистик партия раҳбарларигига чуқур дардкашлик изҳор қилдилар.

Ўртоқ Тольятти вафот этганлиги ҳақида радио хабар бериши биланоқ, АНСА агентлиги Италиядаги кўзга кўринган сиёсий арбоблариниг — турли партиялар аъзоларининг баёнотларини эълон қила бошлади. Уларнинг кўплари П. Тольятти ҳаёт вақтида унинг фикрларига кўп жиҳатдан қўшилмаган бўлсалар ҳам, лекин бугун П. Тольяттининг мамлакат ҳаётида ўйнаган ролига юксак баҳо бермоқдалар. Сенат раиси, республика президенти вазифасини бажарувчи Мердзагор депутатлар палатаси раисига телеграмма юборди. Бу телеграммада Италия фашизмдан ва гитлерчилар оккупациясидан озод қилинганидан кейин, Италияни тиклаш ишига Пальмиро Тольятти қўшган ҳиссага юксак баҳо берилган. Депутатлар палатасининг раиси Буччарелли-Дуччи Италия Компартиясининг парламент группасига мактуб юборибб. Пальмиро Тольяттининг вафоти Италия парламентини атоқли арбобдан маҳрум этганлигини кўрсатиб ўтди.

Министрлар Советининг раиси Альдо Моро Тольяттининг вафот этганлигини эшитиб, Италия Коммунистик партиясининг раҳбарлигига телеграмма юборди. Телеграммада бундай дейилади: «Тольяттининг вафот этганлиги тўғрисидаги ачинарли хабар мени чуқур ларзага солди. Мен сизга сидқидил билан ўзимнинг таъзиямни йўллаб, ўз ҳукуматим номидан ва шахсан ўз номимдан шу оғир воқеа муносабати билан чуқур қайғумни изҳор қиламан». Министрлар Совети раисининг ўринбосари Пьетро Ненни ҳам таъзия телеграммаси юборди. Унинг телеграммасида бундай дейилади: «Тольяттининг вафоти — коммунистлар учун, меҳнаткашлар учун, мамлакат учун оғир жудоликдир. Кейинги 40 йил ичида— фашизм ҳукмронлик қилган 20 йиллик даврда ҳам, шунингдек кейинги 20 йил ичида ҳам у, ишчиларнинг курашига жуда катта таъсир ўтказди»...

Самарқанд. Иштихон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Янгиқўрғон қишлоғида йўл қурилаётганда қизиқ бир воқеа рўй берди. Экскаваторчи бир метр чуқурликдан ўз машинасининг «чўмичида» кўзача кўтариб олди. Кўзачани очиб кўрилса, унинг ичидан 24 та олтин танга чиқди. Ўзбек халқи тарихи ва маданияти республика музейининг илмий ходимлари бу олтин тангалар XIX асрда Бухорода ва Қашқарда тайёрланганлигини аниқладилар. Тангалардан бири эса Москвада қуйилган экан. Қишлоқдаги кекса одамларнинг айтишларича, олтин тангалар тоғилган ерда бир вақтлар ҳинд савдогарининг уйи бўлган ва ҳойнаҳой бу олтинларни у яшириб қўйган бўлса керак. Суратда: Ўзбек халқи тарихи ва маданияти республика музейининг бош илмий ходими М. Ўрмонова топилган олтин тангаларни ўрганмоқда.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АҲМАДЖОН ЁҚУБОВ

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг директори, 1926 йилдан буён КПСС аъзоси Аҳмаджон Ёқубов тўсатдан вафот этди.

Аҳмаджон Ёқубов 1900 йилда Тошкентда туғилди. Октябрь революциясидан кейин А. Ёқубов Туркистонни революцион асосларда ўзгартиришда актив қатнашди: озиқ-овқат масалалари билан шуғулланувчи отрядда ишлади, саводсизликни тугатиш мактабларида дарс берди, «Туркистон» газетасининг махсус мухбири бўлиб ишлади. 1926 йилда А. Ёқубов Коммунистик партияга кирди ва ўзининг бутун ҳаётини совет матбуоти билан боғлади. У «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бўлим мудири, «Озод Бухоро» газетасининг масъул редактори, «Камбағал деҳқон» газетасининг масъул редактор ўринбосари, ТАСС нинг Ўрта Осиё бўлими раҳбари, «Фан ва турмуш» журналининг масъул редактори, 1959 йилдан буён эса Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг директори бўлиб ишлади.

Аҳмаджон Ёқубов республиканинг кенг журналистлар ва нашриётчилар доирасига таниқли киши. Талантли журналист ва таржимон, моҳир ташкилотчи бўлган бу киши редакция-нашриёт ходимларининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирди.

Аҳмаджон Ёқубов камтар, меҳнатсевар ходим, коммунизм ишига садоқатли, ўртоқларига меҳрибон киши эди. Унинг номи қалбларимизда абадий қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти ва босмахонаси, «Фан ва турмуш» журнали редакцияси «Фан» нашриёти директори, 1926 йилдан КПСС аъзоси

Аҳмаджон ЁҚУБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Мотам маросими 25 август кундуз соат 12 да Фанлар академияси президиумининг конференц-залида бўлади (Куйбишев кўчаси, 15-уй).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети ва Ўзбекистон журналистлар союзи правлениеси республиканинг энг кекса матбуот ходимларидан бири, «Фан» нашриёти директори, СССР Журналистлар союзи аъзоси

Аҳмаджон ЁҚУБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

РУМИНИЯДА ТАНТАНАЛАР

БУХАРЕСТ, 23 август. ТАСС махсус мухбирлари **Г. Власов** ва **Ф. Жариков** хабар берадилар: Румин халқи Руминиянинг фашистлар асоратидан озод қилинганлигинг йигирма йиллигини шодлик ва хурсандлик билан нишонламоқда. Бугун пойтахтда, область марказларида ва бошқа шаҳарларда меҳнаткашларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди.

Бухарестда меҳнаткашлар тантаналари ўтказиладиган традицион жой бўлиб қолган Авиаторлар майдони байрам тусида безатилган. Ҳукумат трибунасининг рўпарасида, майдоннинг нариги томонида Маркс-Энгельс-Ленининнинг жуда катта портретлари остидаги алвонга «Яшасин социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслиги» деган сўзлар ёзилган. Унинг ўнг ва чап томонида: «Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!», «Яшасин ҳамма халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!» деган шиорлар бор.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Г. Георгиу-Деж, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ион Георге Маурер, Руминия Ишчи партиясининг ва Руминия Халқ Республикасининг раҳбарлари, социалистик мамлакатлардан Руминиядаги тантаналарга келган делегацияларининг бошлиқлари ва аъзолари ҳукумат трибунасига чиқишлари билан, уларни Руминия жамоатчилигининг вакиллари ва чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар гулдурос қарсаклар чалиб, кутиб олдилар.

Руминия Халқ Республикасининг қуролли кучлар министри армия генерали Леонтин Сэлэжан парад қўмондонининг рапортини қабул қилиб, қўшинларни айланиб чиқади ва уларни байрам билан қутлайди. Парад бошланади. Барча қўшин турларининг қисмлари сафсаф бўлиб, Руминия халқ армиясининг техника билан юксак даражада қуроллангинлигини намойиш қилиб, трибуналар олдидан ўтадилар, қирувчи самолётлар майдон тепасида катта тезлик билан учиб ўтадилар. Парарднинг охирида ракета қисмларининг бўлинмалари майдондан ўтади.

Парад тугади. Энди пионерлар горнлар ва барабанларнинг садолари остида трибуналар олдидан ўтадилар. Улар бахтли болалик учун Руминия Ишчи партиясига ташаккур сўзлари ёзилган транспарантларни ва шиорларни кўтариб олганлар.

Бухарестдаги заводлар ва фабрикалар ишчиларининг колонналари майдонга кириб келади. Улар румин халқининг меҳнатдаги галабаларини ҳикоя қилувчи плакатларни, транспарантларни кўтариб ўтадилар.

Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кеча тамом бўлган еттинчи конкурси қатнашчилари рақслар ва ашулалар билан майдондан ўтадилар. Намойиш охирида ранг-баранг кийимдаги физкультурачилар ўтишади.

Авиаторлар майдонида роса беш соат давом қилган тантаналар «Интернационал» қўшиғини айтиш билан тамомланди.

БЕНЖАМИН ДЭВИС ВАФОТ ЭТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. (ТАСС). Қўшма Штатлардаги коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўзга кўринган арбоби Бенжамин Дэвис оғир бетобликдан сўнг вафот этди. АҚШ Коммунистик партияси ўзининг синалган раҳбарларидан бирини, негр халқи ўзининг содиқ ва мард фарзандини йўқотди. Бенжамин Дэвис 1903 йилда Даусон шаҳрида (Жоржия штати) туғилди. У Амхерст коллежини ва сўнгра эса Гарвард университетини тамомлади.

Дэвис Америка Компартиясининг раҳбарларидан бири сифатида чорак аср ишлаб, ўзининг принципиал марксчи-ленинчи эканлигини кўрсатди. У партия йўлини ҳимоя қилиб, ўтасўл авантюристларни ҳам, шунингдек ўнг ревизионистларни ҳам тинимсиз фош қилиб келди.

Америкаликлар Бенжамин Дэвисни халқ бахт-саодати учун фидокор курашчи, тинчликнинг отаман тарафдори, Америка халқи билан совет халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун кўп иш қилган сиёсий арбоб, деб биладилар. Дэвис Америка меҳнаткашларининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди.

Демократия ва тараққиёт душманлари бўлган маккартичилар Дэвисни жуда ёмон кўрар эдилар.

Прогрессив Америка ўз содиқ фарзандининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғуга тушиб, аза тутмоқда.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

◆ **Англиянинг миллатлар ҳамдўстлиги ва мустамлакалар ишлари министрлиги 1964 йил 21 сентябрда Мальта мустақил бўлажагини эълон қилди.**

◆ **Радфон тоғли районида қуролли нўзғолончилар Англиянинг бир вертолетини ва қирувчи самолетини уриб туширдилар, дейиладиган «Арабистон ярим ороли жанубини озод қилиш миллий фронти»нинг ахборотида. Қўзғолончи отрядлар инглиз қўшинларининг позицияларига ҳам ҳужум қилишган. Ана шу тўқнашув вақтида мустамлакачиларнинг олти солдати ўлдирилган ва ярадор қилинган.**

◆ **Японядаги «Мицубиси» компанияси кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг закази билан қурилган танкер сувга туширилди.**

Ўзбекистон Журналистлар союзида

Ўзбекистон Журналистлар союзи республика Маданият министрлиги билан биргаликда Ўзбекистон ССРнинг юбилейига бағишланган V республика бадиий фотография виставкасини ташкил этишга қарор қилди.

Виставкага тайёргарлик кўришнинг бориши ҳақидаги масала Журналистлар союзи правлениеси президиумининг йиғилишида қараб чиқилди ва виставкага тайёргарлик кўришни кучайтириш, унга профессионал фотографлар ва газета ҳамда журналларнинг штатсиз фотомухбирлари билан бир қаторда, Тошкент Давлат университети, педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртларини ҳам жалб этишга қарор қилинди.

Шунингдек, Журналистлар союзининг президиуми Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қиргизистон ва Қозоғистон республика газеталарини 1963 йилда энг яхши безаш ва полиграфик жиҳатдан тайёрлаш республикаларо конкурсининг натижасини ҳам муҳокама қилди.

Навбатдаги конкурсларда Ўзбекистон Журналистлар союзи актив иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Президиум йиғилишида Журналистлар союзининг шу йилнинг биринчи ярмидаги ижодий фаолияти ҳақидаги ҳисобот тингланди.

Шунингдек, ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

29 августдан 6 сентябргача

ПОЙТАХТНИНГ ҲАММА КИНОТЕАТРЛАРИДА

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

КИНОФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗАДИ

Фестиваль кунларида қардош Республикалар киностудияларида яратилган фильмлар кўрсатилади.

31 августдан қуйидаги янги бадиий фильмларни

кўринг:

Севадими йўқми

Сценарий авторлари — **М. Рабиев, М. Мелкумов.**

Постановкачи режиссёр — **А. Ҳамроев.**

Бош ролларда:

Б. Жўрабоев, С. Азаматова, Р. Пирмуҳамедов, М. Орипов.

«Тожикфильм» киностудияси ишлаган.

ТОҒ МАРШИ

НОМЛИ АРМАН ФИЛЬМИ ЯНА ЭКРАНДА.

Сценарий авторлари — **Н. Абрамов, С. Кеворков.**

Режиссёр — **С. Кеворков.**

Ролларда:

В. Багратуни, Д. Маляи ва бошқалар.

Бир кун хроникаси

Сценарий автори ва постановкачи режиссёр — **Витаутас Желанявичюс.**

Ролларда:

И. Дмитриев, Бронюс Бабкаускас, Альгис Масюлис, Донатас Банёнис, Эльвира Жебартавичюте.

Литва киностудияси ишлаган.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31.226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 11823. ИНДЕКС — 64543. № Б — 197.